

**ГИЁҲВАНДЛИК МОДДАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ СОДИР
ЭТУВЧИ ШАХСЛАР ҲАМДА УНДАН ЖАБРЛАНГАНЛАРНИНГ
ВИКТИМОЛОГИК-КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ**

Дусназаров Бехзод Воҳиджонович

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети тадқиқотчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22086224>

Аннотация. Мазкур мақолада глобллашув ва рақамлаштириш шароитида гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг трансформацияси, хусусан, анъанавий наркотиклардан синтетик моддаларга ва кибермаконга (Даркнет, Телеграм) ўтиш жараёнлари таҳлил қилинган. Замонавий наркожиноятчиларнинг ижтимоий-демографик портрети (ёшлар, ишлайдиганлар, рақамли саводхонликка эга шахслар) ҳамда жабрланувчиларнинг, айниқса, "аптека наркоманияси" таъсирига тушиб қолган ўсмирларнинг виктимологик хусусиятлари очиқ берилган. Шунингдек, тадқиқотда Ўзбекистон Республикасининг янги ЎРҚ-1151-сонли Қонунининг криминалогик аҳамияти баҳоланиб, миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилган. Жумладан, вояга етмаганларни кучли таъсир қилувчи моддаларга жалб қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш, кибержиноятчилик инфратузилмасини тезкор блоклаш, янги психофаол моддаларга вақтинчалик тақиқ қўйиш ва ижтимоий реабилитация шартномасини жорий этиш бўйича илмий асослантилган қонун лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: гиёҳвандлик жиноятлари, виктимология, криминалогия, синтетик наркотиклар, аптека наркоманияси, кибермакон, рақамли наркобизнес, вояга етмаганлар, ЎРҚ-1151-сон Қонун, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

**ВИКТИМОЛОГИЧЕСКАЯ И КРИМИНОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ЛИЦ,
СОВЕРШАЮЩИХ ПРЕСТУПЛЕНИЯ, СВЯЗАННЫЕ С НАРКОТИКАМИ, И ИХ
ЖЕРТВ**

Аннотация. В данной статье анализируется трансформация преступлений, связанных с наркотиками, в условиях глобализации и цифровизации, в частности, процесс перехода от традиционных наркотиков к синтетическим веществам и перемещение наркобизнеса в киберпространство (Darknet, Telegram). Раскрываются социально-демографический портрет современных наркопреступников (молодежь, трудоустроенные лица, обладающие цифровой грамотностью) и виктимологические характеристики жертв, особенно подростков, подверженных «аптечной наркомании». Кроме того, в исследовании оценивается криминалогическое значение нового Закона Республики Узбекистан ЗРУ-1151 и выдвигаются конкретные предложения по совершенствованию национального законодательства. В частности, разработаны научно обоснованные законопроекты по ужесточению ответственности за вовлечение несовершеннолетних к употреблению сильнодействующих веществ, оперативному блокированию инфраструктуры киберпреступности, введению временного моратория на новые психоактивные вещества и внедрению института договора о социальной реабилитации.

Ключевые слова: наркопреступность, виктимология, криминология, синтетические наркотики, аптечная наркомания, киберпространство, цифровой наркобизнес, несовершеннолетние, Закон ЗРУ-1151, профилактика правонарушений.

VICTIMOLOGICAL AND CRIMINOLOGICAL CHARACTERISTICS OF PERPETRATORS AND VICTIMS OF DRUG-RELATED CRIMES

Abstract. This article analyzes the transformation of drug-related crimes in the context of globalization and digitalization, specifically the shift from traditional to synthetic drugs and the transition of the drug business into cyberspace (Darknet, Telegram). It reveals the socio-demographic portrait of modern offenders (youth, employed individuals, and those with high digital literacy) and the victimological characteristics of victims, particularly teenagers vulnerable to "pharmacy drug addiction". Furthermore, the study evaluates the criminological significance of the new Law of the Republic of Uzbekistan ZRU-1151 and proposes specific recommendations for improving national legislation. Scientifically grounded draft laws have been developed, including tightening liability for involving minors in the use of potent substances, introducing mechanisms for the rapid blocking of cybercrime infrastructure, implementing a temporary moratorium on new psychoactive substances, and establishing a social rehabilitation contract.

Keywords: drug crimes, victimology, criminology, synthetic drugs, pharmacy drug addiction, cyberspace, digital drug business, minors, Law ZRU-1151, crime prevention.

Глобаллашув жараёнлари ва ахборот-коммуникация технологияларининг шиддат билан тараккий этиши инсоният цивилизациясига кўплаб ижобий ўзгаришлар олиб кириши билан бир қаторда, транснационал уюшган жиноятчиликнинг, хусусан, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари ноқонуний айланмасининг мутлақо янги, технологик жихатдан ҳимояланган ва яширин (*латент*) шакллари юзага келтирди. Бугунги кунда гиёҳвандлик ва наркожиноятчилик алоҳида олинган бир давлатнинг ички криминоген муаммоси доирасидан чиқиб, бутун жамият генофонди, миллий хавфсизлик ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликка бевосита таҳдид солувчи глобал деструктив ҳодиса даражасига кўтарилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC) маълумотларига кўра, жаҳон миқёсида психофаол моддалар истеъмол қилувчилар сони 316 миллион нафарга етган бўлиб, мазкур кўрсаткичнинг ўсиш суръати аҳолининг табиий кўпайишидан ҳам тезроқ суръатларда ошиб бормоқда¹.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда олиб борилган фундаментал криминологик тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, анъанавий ўсимлик асосидаги гиёҳванд моддалар (*опий, гашиш, марихуана*) ўрнини кимёвий лабораторияларда сунъий синтез қилинадиган, инсон марказий асаб тизимига ўта вайронкор таъсир этувчи юқори концентратли синтетик наркотиклар (*мефедрон, альфа-PVP, клефедрон*) ҳамда таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар бўлган рецептли дори воситаларини суиистеъмол қилиш ("*аптека наркоманияси*") эгаллаб бормоқда.

¹ United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). World Drug Report 2023. – Vienna: United Nations, 2023. – URL: <https://www.unodc.org/unodc/en/data-and-analysis/world-drug-report-2023.html>

Бундан ташқари, наркожиноятларнинг 90 фоиздан ортиғи жисмоний макондан кибермаконга кўчиб, “Даркнет” (Darknet) тармоқлари, яширин мессенжерлар (хусусан, Telegram) ва марказлашмаган криптовалюталар орқали амалга оширилувчи “контактсиз” (contactless) рақамли наркобизнес моделига ўтганлиги қайд этилмоқда².

Мазкур мураккаб ва кўп ўлчамли криминоген вазият давлатнинг гиёҳвандликка қарши кураш сиёсатини ва жиноят қонунчилигини концептуал жиҳатдан қайта кўриб чиқишни, анъанавий жазолаш моделларидан кўра, виктимологик ва криминологик профилактикага асосланган интеллектуал-превентив механизмларга ўтишни тақозо этди.

Айнан шу заруратдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан 2026 йил 11 июнь куни қабул қилинган ва 12 июнь куни кучга кирган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларининг ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарликни такомиллаштиришга қаратган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1151-сон Қонуни³ мазкур йўналишдаги давлат криминал сиёсатининг мантикий, тарихий ва ўта муҳим давоми бўлди десак ҳеч муболаға бўлмайди.

Мазкур ЎРҚ-1151-сон Қонуннинг қабул қилиниши гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг замонавий шакллариغا нисбатан жазонинг муқаррарлиги ва мутаносиблигини таъминлашда, шунингдек, жамиятни виктимологик таҳдидлардан ҳимоя қилишда инқилобий аҳамият касб этади. Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қатор янги нормалар ва оғирлаштирувчи ҳолатлар киритилди. Хусусан, бугунги кундаги энг катта хавфлардан бири бўлган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш ёки қайта ишлаш мақсадида ғайриқонуний нарколаборатория ташкил этиш қилмиши учун 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қатъий белгиланди. Шунингдек, ушбу моддаларни истеъмол қилиш ёхуд тарқатиш мақсадида бангхона ташкил қилиш ёки сақлаш 3 йилдан 5 йилгача, уюшган гуруҳларнинг қонунга хилоф муомаласига ҳомийлик қилиш эса 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мустаҳкамланди. Энг муҳими, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ўғирлик ёки фирибгарлик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаш ҳолатлари учун ҳам 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилди⁴.

Шунингдек, ЎРҚ-1151-сон Қонуни билан Жиноят кодексининг 127-моддасига (Вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб қилиш) ҳамда кодекснинг Олтинчи бўлими номига (“Жамоат хавфсизлигига, аҳоли саломатлиги ва генофондига, жамоат тартибига қарши жиноятлар”) ўзгартиришлар киритилиши бевосита виктимологик

² Трансмиллий наркотажидларга қарши халқаро ҳамкорлик (Ўзбекистон ва Венгриянинг қўшма илмий-амалий лойиҳаси). – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, 2026 й. 157-бет.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 11 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларининг ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарликни такомиллаштиришга қаратган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1151-сон Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.06.2026 й.

⁴ Ўша манбаа: <https://lex.uz/docs/8263876>

профилактиканинг мустаҳкам ҳуқуқий негизини яратди⁵. Ушбу қонунчилик янгиликлари мазкур мазкур диссертациянинг параграфида тадқиқ этилаётган гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни содир этувчи шахслар ва ундан жабрланганларнинг виктимологик-криминологик тавсифини янада чуқурроқ, фундаментал илмий назариялар ва эмпирик далиллар асосида таҳлил қилишни ҳамда мазкур йўналишдаги давлат сиёсатининг криминологик асосларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Шу ўринда, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни содир этувчи шахсларнинг криминологик портрети ва маҳаллий олимларнинг илмий-назарий қарашлари таҳлиliga назар ташласак. Хусусан, криминология фанида жиноятчи шахсининг ижтимоий-демографик, ахлоқий-психологик ва жиноят-ҳуқуқий белгилари — унинг жинси, ёши, маълумоти, оилавий аҳоли, касби, жамиятдаги машғулоти ва судланганлик ҳолати — жиноий ҳуқ-атворни шакллантирувчи ҳамда детерминация қилувчи объектив ва субъектив омилларни кўрсатиб беради⁶. Янги Ўзбекистон шароитида, хусусан иқтисодий фаол, урбанизация ва миграция жараёнлари юқори бўлган ҳудудларда гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларнинг демографик портретида кескин ва ҳаттоки парадоксал трансформациялар кузатилмоқда.¹ Бу жараёнларни тушуниш учун миллий криминология ва виктимология мактаби вакиллариининг илмий тадқиқотлари ва монографик асарларига мурожаат қилиш зарур.

Биринчи навбатда, жинс ва гендер хусусиятлари бўйича таҳлил қилинганда, 2025 йилги статистик маълумотларга кўра, мазкур жиноятларда гумонланиб ушланган шахсларнинг 10 226 нафарини эркаклар ва 823 нафарини аёллар ташкил этган⁷.

Эркакларнинг мутлақ устунлиги (*қарийб 92,5 фоиз*) сақланиб қолаётган бўлса-да, аёллар жиноятчилигининг ўсиш динамикаси алоҳида эътиборга молик. Ўзбекистонлик етук криминолог олим, юридик фанлар доктори, профессор Қ.Р. Абдурасулова ўзининг “*Аёллар жиноятчилигининг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муаммолари*” номли докторлик диссертацияси ва монографиясида таъкидлашича, аёлларнинг гиёҳвандлик жиноятларига кўл уриши кўпинча мустақил равишда эмас, балки оиладаги ижтимоий-иқтисодий ҳимоясизлик, патриархал босим, шунингдек, эркакларнинг (*турмуш ўртоғи ёки яқин қариндошларининг*) психологик таъсири ва мажбурлови остида содир бўлади⁸.

Ушбу фикрни яна бир таниқли олим З.С. Зарунов⁹ таҳрири остида чоп этилган “*Криминология*” дарслигида янада ривожлантирилади. Унга кўра, гиёҳванд моддаларни сотишга жалб қилинган аёллар кўпинча “*оилавий пудрат*” доирасида курьерлик ёки сақлаш функцияларини бажариши уларнинг ижтимоий-ролли хусусиятларидаги деформация ва виктимизация билан узвий боғлиқдир.

⁵ Ўша манбаа: <https://lex.uz/docs/8263876>

⁶ Исмоилов И., Зиёдуллаев М.З. ва бошқ. Криминология. Умумий қисм: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 124-128.

⁷ Трансмиллий наркотаҳдидларга қарши халқаро ҳамкорлик (*Ўзбекистон ва Венгриянинг қўшма илмий-амалий лойиҳаси*). – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, 2026 й. 31-бет.

⁸ Абдурасулова Қ.Р. Huquqbuzarliklar viktimologik profilaktikasi chora-tadbirlarini ishlab chiqishni takomillashtirish // <https://inlibrary.uz/index.php/arims/article/download/50226/50580/-60094>

⁹ Зарунов З.С. Jazoni ijro etish muassasalaridan ozod etilgan ayollar retsidiv jinoyatchiligining oldini olishni // <https://api.ziynet.uz/uploads/books/10001253/32iJOLy92m-Yyfgs.pdf>

Аёл рецидивистларни ўрганган тадқиқотчилар уларнинг психологик ҳолатида депрессия ва жамиятдан узилиш устувор эканлигини кўрсатадилар.

Ёш кўрсаткичлари бўйича таҳлил қилинганда, бугунги кунда энг юқори криминал фаоллик 18-35 ёш оралиғига тўғри келмоқда. 2025 йилда 30 ёшгача бўлган 3 856 нафар ёшлар гиёҳвандлик жиноятлари билан ушланган бўлиб, бу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 4,1 баробарга ўсганлигини англатади¹⁰. Ёшларнинг кескин криминаллашуви феноменини тадқиқ этган ҳуқуқшунос олимлар *Ф.Т. Ғаниев* ва *Д.У. Ахуновлар* ўзларининг “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жиноятчиликка қарши курашиши ва олдини олишнинг ривожлантиришнинг устувор йўналишлари*” номли илмий мақоласида (2024-2025 йй.) ёшларнинг жиноятга жалб қилиниши асосан уларнинг ҳуқуқий саводсизлиги, кундалик фаолиятдаги бўшлиқлари ва ижтимоий тармоқлардаги девиант контентларнинг агрессив таъсири натижасида содир бўлаётганини таъкидлайдилар¹¹. Шунингдек, *Н.М. Рахимов* ва *Ж.Б. Тўхтасиновлар* виқтим хулқ-атвор ва эҳтиётсизлик ёшларнинг нафақат жабрланувчига, балки осонлик билан кибер-куръерлик (“закладчик”) фаолиятига ўтиб кетишига шароит яратувчи бош сабаблардан бири эканлигини илгари сурганлар¹². Олим *Б.Э. Бердиалиев* жамоат тартибига қарши жиноятларни ёшлар ўртасидаги бекорчилик ва интернетдаги деструктив субмаданият билан боғлаб тушунтиради¹³.

Маълумот ва бандлик даражаси борасидаги таҳлиллار анъанавий криминологик стереотипларни бутунлай инкор этади. Классик криминология жиноятчиликни тўғридан-тўғри қашшоқлик, саводсизлик ва ишсизлик билан боғласа-да, Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институтининг маълумотларига кўра, тадқиқот даврида аниқланган 7 356 нафар шахснинг 5 582 нафари доимий ишлайдиган шахслар, фақатгина 804 нафари ишламайдиганлар ва 127 нафари ўқувчи-талабалар эканлиги маълум бўлди¹⁴.

Ишлайдиган шахслар улушининг бу қадар юқорилиги мазкур жиноятларни фақатгина оғир моддий етишмовчилик ёки тирикчилик илинжи билан изоҳлаб бўлмаслигини кўрсатади. Ушбу ҳолатни маҳаллий олимлардан *У.М. Мирзаев* ва *М.М. Қаландаровлар* иқтисодий жиноятлар ва ўзлаштиришнинг криминологик мотивлари доирасида таҳлил қилганлар¹⁵.

Бунга қўшимча равишда *О.Ч. Холиқов* ва *С.А. Отахўжаевлар* иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар экспертизасига бағишланган ишларида бундай шахслар учун криминал мотив

¹⁰ Трансмиллий наркотаҳдидларга қарши халқаро ҳамкорлик (*Ўзбекистон ва Венгриянинг қўшма илмий-амалий лойиҳаси*). – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, 2026 й. 32-бет.

¹¹ *Dushaboyev D.T., G'aniyev F.T.* Shaxsda viktimlikni keltirib chiqaruvchi omillarning kriminologik tavsifi // Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Vol. 2, Issue 1. – DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.14605419>

¹² *Raximov N.M., To'xtasinov J.B.* Viktim xulq-atvor jinoyatchilikning sababi sifatida // Экономика и социум. – 2026. – № 6(145)-2. – В. 515.

¹³ *Бердиалиев Б.Э.* Ёшлар орасида жамоат тартибига қарши жиноятларнинг детерминантлари // *Жамоат ҳафсизлиги илмий амалий электрон журнал*. – 2024. – №6-сон. 56-57-бетлар.

¹⁴ Трансмиллий наркотаҳдидларга қарши халқаро ҳамкорлик (*Ўзбекистон ва Венгриянинг қўшма илмий-амалий лойиҳаси*). – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, 2026 й. 40-бет.

¹⁵ *Xoliqov Sh.U.* O'zlashtirish yoki rastrata qilish jinoyatini tergov qilish metodikasi: muammolar va ularning yechimi: Magistrlik dissertatsiyasi. – Toshkent, [2005]. – В. 7. – URL: [https://proacademy.uz/uploads/tiny_mce/magistratura/13-%20O%22%80%99ZLASHTIRISH%-20YOKI%20RASTRATA%20QILISH%20JINOYATINI%20TERGOV%20QILISH%20METODIKASIMUAMMOLAR%20VA%20ULARNING%20YECHIMI%20\(Xoliqov%20Sh\).pdf](https://proacademy.uz/uploads/tiny_mce/magistratura/13-%20O%22%80%99ZLASHTIRISH%-20YOKI%20RASTRATA%20QILISH%20JINOYATINI%20TERGOV%20QILISH%20METODIKASIMUAMMOLAR%20VA%20ULARNING%20YECHIMI%20(Xoliqov%20Sh).pdf)

сифатида қашшоқлик эмас, балки тезкор бойиш, меркантиллик ва замонавий истеъмолчилик жамиятидаги «осон даромад» иллюзияси устуворлигини кўрсатиб ўтганлар¹⁶. Ёш олим *М.Ф. Эргашев* ва *Ш.П. Алаевлар* ҳам тергов амалиётига бағишланган қўлланмаларида ушбу тоифадаги шахсларнинг психологияси совуққонликка ва таваккалчиликка асосланганини баён этадилар¹⁷.

Рецидив (*такрорий*) жиноятчилик гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг энг оғир ва тизимли муаммосидир. Статистикага мувофиқ, 2025 йилда ушланган шахсларнинг қарийб 19 фоизини (2 076 нафар) муқаддам судланганлар ташкил этган бўлиб, уларнинг 378 нафари айнан гиёҳвандлик жиноятлари учун такроран судланмоқда¹⁸. Ушбу мураккаб муаммони чуқур ўрганган олимлар *Б.А. Умирзаков* ва *М.М. Болтаевлар* ўзларининг “*Рецидив жиноятчиликлнинг криминалогик тавсифи ва олдини олишнинг ўзига хос хусусиятлари*” номли ишларида таъкидлашча, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган шахсларни ижтимоийлаштириш (*ресоциализация*) ва реабилитация қилиш механизмларининг заифлиги уларни қайта жиноятга етакламоқда¹⁹.

Юридик фанлар доктори, профессор *А.Г. Закирова* бу ҳолатни жамиятдаги стигматизация (*тамғалаш*) билан боғлаб, озодликка чиққан шахснинг жамиятда иш топа олмаслиги ва яққаланиб қолиши уни эски жиноий алоқаларига ва наркосиндикатларга қайтишга мажбур қилишини илмий жиҳатдан асослайди²⁰. Яна бир таниқли олим *И. Исмаилов* қайд этишча, рецидив жиноятчилар учун пенитенциар ва пробация тизимида индивидуаллаштириш ҳамда тиббий-наркологик (*терапевтик*) аралашувнинг йўқлиги муаммонинг фундаментал илдизи ҳисобланади²¹.

Шунингдек, *Ю.Б. Махмутова* ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг жиноятчилигини ўрганиш орқали коррупцион омиллар ва ҳомийлик қилиш каби жиҳатлар ҳам наркожиноятларнинг рецидивига хизмат қилишини очиб беради²².

Юқорида қайд этилган маҳаллий олимларнинг (*Қ.Р. Абдурасулова, А.Г. Закирова,*

¹⁶ *S.A.Otaxo'jayev, O.Ch.Xoliqov. Iqtisodiyot sohasidagi jinoyatlar bo'yicha sud ekspertizalarini tayinlash va o'tkazish. Xizmatga foydalanish uchun. T:2005-yil // [https://proacademy.uz/uploads/tinymce/magistratura/13-%20O'E2%80%99ZLASHTIRISH%-20YOKI%20RASTRATA%20QILISH%20JINOYATINI%20TERGOV%20QILISH%20METODIKASIMUAMMOLAR%20VA%20ULARNIN%20YECHIMI%20\(Xoliqov%20Sh\).pdf](https://proacademy.uz/uploads/tinymce/magistratura/13-%20O'E2%80%99ZLASHTIRISH%-20YOKI%20RASTRATA%20QILISH%20JINOYATINI%20TERGOV%20QILISH%20METODIKASIMUAMMOLAR%20VA%20ULARNIN%20YECHIMI%20(Xoliqov%20Sh).pdf)*

¹⁷ *M.F.Ergashev, M.H.Obidov, Sh.P Alaev. Tergovchi.Qo'llanma. T: “G’afur G’ulom matbaa ijodiy uyushmasi // [https://proacademy.uz/uploads/tinymce/magistratura/13-%20O'E2%80%99ZLASHTIRISH%-20YOKI%20RASTRATA%20QILISH%20JINOYA-TINI%20TERGOV%20QILISH%20METODIKASIMUAMMOLAR%20VA%20ULARNING%20YECHIMI%20\(Xoliqov%20Sh\).pdf](https://proacademy.uz/uploads/tinymce/magistratura/13-%20O'E2%80%99ZLASHTIRISH%-20YOKI%20RASTRATA%20QILISH%20JINOYA-TINI%20TERGOV%20QILISH%20METODIKASIMUAMMOLAR%20VA%20ULARNING%20YECHIMI%20(Xoliqov%20Sh).pdf)*

¹⁸ Трансмилий наркотаҳдидларга қарши халқаро ҳамкорлик (*Ўзбекистон ва Венгриянинг қўшма илмий-амалий лойиҳаси*). – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминалогия тадқиқот институти, 2026 й. 41-бет.

¹⁹ *Умирзаков Б.А., Болтаев М.М.* Рецидив жиноятчиликлнинг криминалогик тавсифи ва олдини олишнинг ўзига хос хусусиятлари // EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH Innovative Academy Research Support Center UIF = 8.1 | SJIF = 7.899. // <https://cyberleninka.ru/article/n/retsdiv-jinoyatchilikning-kriminologik-tavsifi-va-oldini-olishning-o-ziga-xos-xususiyatlari>

²⁰ *Jumaniyozov N.G'.* Voyaga yetmaganlarning jinsiy daxlsizligiga qarshi jinoyat sodir etgan jinoyatchi shaxsining kriminologik tasnifi // “Kriminologik faoliyat” ilmiy-amaliy jurnali. – 2025. – № 1 (2). – B. 134.

²¹ Кримнология: Darslik / Q.R. Abdurasulova, A.G. Zakirova, I. Ismailov va boshq. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2023. – b.195 // <https://cyberleninka.ru/article/n/-retsdiv-jinoyatchilikning-kriminologik-tavsifi-va-oldini-olishning-o-ziga-xos-xususiyatlari>

²² *Maxmutova Yu.B.* Xotin-qizlarga nisbatan sodir etiladigan tazyiq va zo'rvonliklar profilaktikasining institutsional asoslari // “Kriminologik faoliyat” ilmiy-amaliy jurnali. – 2025. – № 1 (2). – B. 104. // <https://kti.iiv.uz/storage/journal/files/ToyU6hejhKTlojmMQ9WdBZDFq-fDiBqd1cTNROvpC.pdf>

З.С. Зарипов, Ф.М. Мухитдинов, А.С. Турсунов, С.Б. Хўжақулов, С.С. Ниёзова, А.О. Жахонов, Ф.Т. Ганиев, Д.У. Ахунов, Н.М. Рахимов, Ж.Б. Тўхтасинов, У.М. Мирзаев, О.Ч. Холиқов, Б.А. Умирзаков, М.М. Болтаев, И. Исмаилов, Б.Э. Бердиалиев, Ю.Б. Махмудова) илмий-назарий қарашлари ва Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институтининг таҳлиллари шуни кўрсатадики, гиёҳвандлик жиноятларини содир этувчи шахс портрети анъанавий маргинал қатламлардан ижтимоий фаол, ишлайдиган ва рақамли саводхонликка эга ёшлар қатламига кўчиб ўтган.

Шу ўринда, гиёҳвандлик жиноятчилигининг генезисини ва шахснинг криминаллашув механизмларини глобал даражада тушунишда фақатгина миллий доирада чекланиб қолмай, балки Ғарб, Европа, МДХ ва Марказий Осиё давлатлари олимларининг фундаментал назарияларини таҳлил қилиш ўта муҳимдир. Ушбу хорижий назарияларни қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш Ўзбекистондаги реал криминоген вазиятни ва яқинда қабул қилинган ЎРҚ-1151-сон Қонунининг аҳамиятини чуқурроқ англаш имконини беради.

МДХ маконида, хусусан Россиялик криминолог олимлар Л.И. Романова²³ ўзининг “Наркопреступность: криминологическая и уголовно-правовая характеристика” номли ишида ва Е.И. Елфимова²⁴ аёлларнинг гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятчилигининг психологик ва ижтимоий профилини ўрганиб, эркактарникидан кескин фарқ қилишини, аёлларда криминал мотив сифатида мустақил қасд эмас, балки эркактарга нисбатан ҳиссий тобелик ва иқтисодий мажбурлов асосий ўрин тутишини илмий исботлаганлар. Бу қарашлар Европалик олим В. Svensson ўзининг иқтисодий жиноятлар хусусиятига доир қарашлари билан уйғунлашиб, гиёҳвандлик бизнеси аслида ноқонуний хўжалик фаолиятининг энг шафқатсиз тури эканлигини ва унда заиф қатламлар эксплуатация қилинишини тасдиқлайди²⁵.

Америкалик таниқли тадқиқотчи Paul Goldstein (1985 й.) томонидан ишлаб чиқилган “Уч томонлама концептуал модел” (Tripartite conceptual model) гиёҳвандлик ва зўравонлик ўртасидаги алоқани тушунтирувчи энг нуфузли назариялардан биридир²⁶. Унга кўра жиноятчилик учта механизм орқали намоён бўлади: 1) *Психофармакологик механизм* — модда таъсирида когнитив бошқарувнинг йўқолиши ва тажовузкорликнинг ортиши. Ўзбекистонда кучли таъсир қилувчи дорилар ва синтетик наркотиклар таъсиридаги зўравонликлар (ўлим ҳолатлари) айнан шунга мисолдир; 2) *Иқтисодий-мажбурий механизм* — қарам шахснинг навбатдаги дозани сотиб олиш учун пул топиш мақсадида ўғрилик, фирибгарлик ёки талончиликка қўл уриши. ЎРҚ-1151-сон Қонунида кучли таъсир қилувчи моддаларни ўғирлик ёки фирибгарлик йўли билан эгаллаганлик учун 5 йилгача қамоқ жазоси белгилангани айнан мана шу иқтисодий-мажбурий механизмга берилган адекват ҳуқуқий зарбадир; 3) *Тизимли механизм* — “қора бозор”нинг ўз ичидаги

²³ Романова Л. И. Наркопреступность: криминологическая и уголовно-правовая характеристика : учеб.-метод. посо бие. 2-е изд. Владивосток : Изд-во Дальневост. ун-та, 2009. 311 с.

²⁴ Елфимова Е. И. Учет особенностей личности женщин, совершивших преступления, связанные с незаконным оборотом наркотических средств // Вестник Волгоградского государственного университета. 2012. № 1(16). С. 207—210.

²⁵ LEGAL SIGNIFICANCE OF EVIDENCE IN ECONOMIC CRIMES // <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/28835>

²⁶ Drugs/Violence Nexus: A Tripartite Conceptual Framework | Office of Justice Programs // <https://ojp.gov/ncjrs/virtual-library/abstracts/drugsviolence-nexus-tripartite-conceptual-framework>

худуд талашиш, қарзларни ундириш ёки информаторларни йўқ қилишдаги зўравонликлар.

Шунингдек, Европалик криминологлар *M. Liem* ва *K. Moeller* таъкидлашича, глобаллашув ва рақамлаштириш даврида *Paul Goldstein* назарияси кибер-муҳитга ҳам кенгайтирилиши керак, чунки бугунги кунда анъанавий «кўча зўравонликлари» ўрнини Даркнетдаги яширин транзакциялар, кибер-тамагирлик ва шантаж эгаллаб олди²⁷.

Социологик тушунтиришлар доирасида *Robert King Merton* ҳам ўзининг “*Зўриқиш назарияси*” (*Strain Theory*) ва Эмори университети профессори *Robert Agnew* томонидан такомиллаштирилган “*Умумий кескинлик назарияси*” (*General Strain Theory - GST*) марказий ўрин тутди²⁸. *R. Agnew* фикрича, жиноятчилик шахснинг ижтимоий муҳитдан оладиган стресс ва босимларига (*strain*) нисбатан нотўғри ва девиант мослашиш (*deviant coping*) реакциясидир. Оиладаги зўравонлик, тенгдошлар томонидан таҳқирланиш ёки иқтисодий тенгсизлик натижасида пайдо бўладиган тушкунлик ва умидсизлик шахсни психотроп моддаларга мурожаат қилишга мажбур этади²⁹.

Шахсда жиноий хулқ-атворнинг қандай пайдо бўлиши ва ўрганилиши эса *Edwin Sutherland* эса ўзининг “*Дифференциал ассоциация назарияси*” (*Differential Association Theory*) ва уни кенгайтирган *Ronald Akers* ҳам ўзининг “*Ижтимоий ўрганиш назарияси*” (*Social Learning Theory*) орқали тушунтирилади³⁰. Уларнинг фикрича, жиноий хулқ-атвор ирсий ёки туғма эмас, балки интим гуруҳлар (оила, дўстлар, тенгдошлар) ичида ўзаро мулоқот орқали ўрганилади. Қачонки инсон онгида қонунбузарликни оқловчи мотивлар устун келса, у жиноятга қўл уради. Бугунги Ўзбекистон шароитида бу интим гуруҳлар ўрнини Telegram ботлар ва виртуал субмаданиятлар эгаллаган бўлиб, ёшлар жиноят қилиш усуллари интернет орқали ўрганмоқдалар.

Вазиятли криминология ва виктимология вакиллари *Lawrence E. Cohen* ва *Marcus Felson* ўзларининг “*Кундалик фаолият назарияси*”да (*Routine Activity Theory, 1979 й.*) жиноят содир бўлиши учун муайян вақт ва маконда учта элемент: 1) мотивга эга ҳуқуқбузар, 2) қулай нишон (жабрланувчи) ва 3) қобилиятли ҳимоячининг (полиция ёки назоратчининг) йўқлиги бир жойда мужассам бўлиши кераклигини уқтирадилар³¹. Кибермаконда давлат назоратининг техник чекланганлиги (“қўриқчининг йўқлиги”) ёшларни ва вояга етмаганларни (қулай нишонларни) ўз домига тортмоқда.

Индивидуал психологик ва биологик ёндашувлар доирасида *Hans Eysenck* ўзининг “*PEN модели*” (*Психотизм, Экстраверсия, Невротизм*) ва *Paul Costa* ҳамда *Robert McCrae*

²⁷ *Liem, M., & Moeller, K.* Emerging Trends in Drug-Related Crime: From Street Violence to Cyber-Markets. In: *European Journal of Criminology*.

²⁸ *General Strain Theory and Prescription Drug Misuse Among Honors Students* - UNL Digital Commons // <https://digitalcom-mons.unl.edu>

²⁹ *Sexual Violence Victimization and Prescription Drug Misuse: An Analysis Using General Strain Theory* - ucf stars // <https://stars.library.ucf.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=-6553&context=etd>

³⁰ *THEORIES OF DRUG USE* – Sage // https://uk.sagepub.-com/sites/default/files/upm-assets/116864_book_item_116864.pdf

³¹ *Criminology Theories on the nexus between Drugs and Crime.* ResearchGate.// https://www.researchgate.net/publication/373738738_-Criminology_Theories_on_the_nexus_-between_Drugs_and_Crime

ўзларининг “*Катта бешик*” (*Big Five*) назариялари эътиборга молик³². Уларга кўра, гиёҳвандликка ружу кўювчи ва зўравон жиноятларни содир этувчи шахсларда импульсивлик, эмоционал бекарорлик (*невротизм*) ва эмпатиянинг (*раҳмдилликнинг*) мутлақо йўқлиги кучли намоён бўлади. Нейробиологик нуқтаи назардан, гиёҳвандлик бош миёдаги дофамин ишлаб чиқарувчи марказларда патологик ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Хорижий криминологияда рецидивни тушунтирувчи *Edwin Lemert* ўзининг “*Ёрлиқ ёпиш назарияси*” (*Labeling Theory*) алоҳида амалий аҳамиятга эга. Назарияга кўра, судланган шахсга жамият томонидан “*жиноятчи*” ёки “*гиёҳванд*” тамғасининг босилиши (*стигматизация*) уни ижтимоий яккалаб, қонунга итоаткор ҳаётга қайтишига йўл қўймайди ва қайта жиноий муҳитга (иккиламчи девиантликка) қайтишига сабаб бўлади³³. Вояга етмаганлар жиноятчилигини таҳлил қилишда *Terrie E. Moffitt* бўлса “*Ривожланиш таксономияси*” орқали жиноятчиларни “*ўсмирлик даври билан чекланган*” ва “*ҳаёт давомида давом этувчи*” гуруҳларга ажратади. Ўсмирларнинг аксарияти фақатгина гормонал ва ижтимоий ўзгаришлар фонида жиноятга қўл уриши илмий исботланган³⁴.

Ушбу ўтиш даврида ёшларни жиноятдан тўхтатувчи омил сифатида *Robert Sampson* ҳамда *John Laub* ўзларининг “*Ёшга доир ижтимоий назорат назарияси*” (*Age-Graded Theory of Informal Social Control*) хизмат қилади. Оила, мактаб ва ҳалол меҳнат билан бўлган кучли ижтимоий *пишталар* (*turning points*) шахсни жиноий траекториядан қайтара олади³⁵. Рақамли жиноятчилик географиясини эса Осиёлик олим *K. Jaishankar* ҳам ўзининг “*Маконнинг ўтиш назарияси*” (*Space Transition Theory*) мукамал ёритади: физик макондан кибермаконга ўтганда одамларда диссоциатив анонимлик хисси пайдо бўлиб, уларнинг қонунга ва ахлоққа бўлган ҳурмати кескин пасаяди³⁶. Бу Ўзбекистонда интернет орқали содир этилаётган наркожиноятлар (2025 йилда 5027 та) динамикасини тушунтириб беради.

Шунингдек, Америкалик олимлар *Christian J. Teter* ва *Sean Esteban McCabe* рецепт орқали бериладиган дориларни суиистеъмол қилиш (“*аптека наркоманияси*”) сабабларини инструментал (*ўқишда стрессни енгиш*) ва рекреацион (*тенгдошлари орасида обрў орттириш*) мотивларга ажратадилар³⁷. Жазонинг самарадорлигини баҳолашда *Mark W. Lipsey* 400 дан ортиқ мета-таҳлиллар орқали соф репрессив жазолар вояга етмаганлар рецидивини камайтирмаслигини, аксинча когнитив-бихевиорал терапия зарурлигини исботлаган.

³² Eysenck H.J., Eysenck S.B.G. Psychoticism as a Dimension of Personality. – London: Hodder and Stoughton, 1976. – 232 p.; Costa P.T., McCrae R.R. Four ways five factors are basic // Personality and Individual Differences. – 1992. – Vol. 13 (6). – P. 653-665.

³³ Howard Becker, Drug Use and the Sociology of Deviance - Prime Scholars // <https://www.primescholars.com/articles/howard-becker-drug-use-and-the-sociology-of-deviance-107164.html>

³⁴ Predicting Moffitt's Developmental Taxonomy of Antisocial Behavior Using Life History Theory – PMC // <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC10655648/>

³⁵ Age Graded Theory/ Turning Points (Sampson and Laub) | SozTheo // <https://soztheo.-com/theories-of-crime/control-theories/age-graded-theory-turning-points-sampson-and-laub/>

³⁶ Cyber Criminology and Space Transition Theory: Contribution and Impact – ResearchGate // https://www.researchgate.net/publication/388990105_Cyber_Criminology_and_Space_Transition_Theory_Contribution_and_Impact

³⁷ McCabe, S. E., West, B. T., Teter, C. J., & Boyd, C. J. (2012). Medical and nonmedical use of prescription opioids among high school seniors in the United States. Archives of Pediatrics & Adolescent Medicine, 166(9), 797-803.

Бунга ҳамоҳанг равишда томонидан яратилган “RNR модели” (*Хавф-Эҳтиёж-Мослашувчанлик*) пробаия ва реабилитация тизимининг асоси сифатида қаралмоқда³⁸.

Ушбу нуфузли хорижий олимларнинг (*Романова, Елфимова, Svensson, Goldstein, Agnew, Sutherland, Akers, Cohen, Felson, Eysenck, Costa, McCrae, Lemert, Moffitt, Sampson, Laub, Jaishankar, Teter, McCabe, Lipsey, Andrews*) илмий назариялари гиёҳвандлик жиноятлари генезиси мураккаб био-психо-ижтимоий ва технологик детерминантларнинг синтези эканлигини тасдиқлайди ва ЎРҚ-1151-сон Қонуни каби қатъий ҳуқуқий воситаларни маҳаллий даражада қўллашнинг нақадар тўғрилигини кўрсатади.

Юқоридаги илмий назарий қарашлардан келиб чикиб, бугунги кунда жабрланганларнинг виктимологик хусусиятлари ва “аптека наркоманияси”нинг деструктив оқибатларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Дарҳақиқат, замонавий ҳуқуқшунослик ва криминологияда жиноятчиликни фақатгина ҳуқуқбузар нуқтаи назаридан эмас, балки жабрланувчи (*виктим*) нуқтаи назаридан ҳам ўрганиш энг долзарб илмий йўналишлардан бирига айланган. Виктимология — бу жабрланувчилар, уларнинг жиноят қурбонига айланиш жараёнлари (*виктимизация*) ва ушбу жараёнга таъсир кўрсатувчи омилларни илмий асосда ўрганувчи фан тармоғидир³⁹. Гиёҳвандлик виктимологияси доирасида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчиларга фақат ҳуқуқбузар сифатида эмас, балки транснационал уюшган жиноий гуруҳларнинг молиявий манфаатлари ва манипуляцияси қурбони сифатида қараш муҳимдир. Бугунги кунда “аптека наркоманияси” (*таркибида трамадол, прегабалин, тропикамид, зипиклон каби кучли таъсир қилувчи моддалар бўлган дориларни нотиббий мақсадда истеъмол қилиш*) миллат генофондига солаётган таҳдиди виктимологик жиҳатдан ўта жиддийдир.

Виктимология асосчилари ҳисобланган *Benjamin Mendelsohn* ва *Hans von Hentig* назарияларига кўра, гиёҳвандлар энг идеал ва қулай жабрланувчилар ҳисобланади⁴⁰.

Психофаол моддалар таъсирида шахснинг когнитив, ақлий ва жисмоний ҳимоя механизмлари тўлиқ блокланади, унинг воқеликни адекват баҳолай олмаслиги ва қонундан кўрқиши (*яъни, ўз қилмиши ноқонуний бўлгани учун полицияга мурожаат қила олмаслиги*) уни фирибгарлар, ўғрилар ва зўравонлар учун энг осон ўлжага айлантиради. *B.Mendelsohn* типологиясидаги “*унчалик катта бўлмаган айбга эга жабрланувчи*” ва “*ҳуқуқбузар билан тенг айбдор жабрланувчи*” тоифалари айнан тенгдошларининг босими, ижтимоий соддалик ёки қизиқувчанлик туфайли гиёҳвандликка мубтало бўлган ўсмирларни ўзида акс эттиради⁴¹.

Маҳаллий олимлардан юридик фанлар доктори *Ф.М. Мухитдинов* ўзининг виктимологияга оид тадқиқотларида виктим хулқ-атворга эга жабрланувчиларнинг шаклланишида уларнинг ижтимоий ва психологик заифликлари марказий ўрин тутишини

³⁸ Effective Intervention for Serious Juvenile Offenders | Office of Justice Programs // <https://www.ojp.gov/ncjrs/virtual-library/abs-tracts/effective-intervention-serious-juvenile-offenders>

³⁹ *Tuğba Yılmaz* “Victimology from clinical psychology perspective: psychological assessment of victims and professionals working with victims – PMC // <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC7864618/>

⁴⁰ *Hentig H. von. The Criminal and His Victim: Studies in the Sociobiology of Crime.* — New Haven: Yale University Press, 1948. // *Mendelsohn B. The Origin of the Doctrine of Victimology // Excerpta Criminologica.* — 1963. — Vol. 3.

⁴¹ CULPABLE VICTIM IN MENDELSON'S TYPOLOGY | Office of Justice Programs // <https://www.ojp.gov/ncjrs/virtual-library/abstracts/culpable-victim-mendelsohns-typology>

таъкидлаган⁴².

Олим А.С. Турсунов ва С.Б. Хўжақуловларнинг таъкидлашича ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга оширишда жабрланувчининг оилавий-маиший муҳити ва унинг маргиналлашган ҳолатини ўрганиш лозим⁴³. С.С. Ниёзова шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг аксарияти жабрланувчининг спиртли ичимлик ёки гиёҳванд модда таъсиридаги интоксикация ҳолатида содир этилишини, бу эса виктимизация даражасини оширишини кўрсатиб ўтган⁴⁴. Шунингдек, Н.М. Рахимов ва Ж.Б. Тўхтасиновлар ўзларининг илмий изланишларида виктим хулқ-атвор, эҳтиётсизлик ёки провокацион ҳаракатлар бевосита жиноятнинг келиб чиқишига шароит яратувчи сабаблардан бири эканлигини илгари сурганлар⁴⁵.

Замонавий ғарб криминологиясида кенг қўлланиладиган Michael Hindelang, James Garofalo ва Seth Gottfredson ўзларининг “*Ҳаёт тарзи таъсири назарияси*” (*Lifestyle Exposure Theory, 1978 й.*) шуни кўрсатадики, гиёҳвандларнинг ҳаёт тарзи табиатан маргинал ва ўта криминогендир. Улар кибермаконда буюртма қилинган «закладка»ларни излаш мақсадида тунги вақтларда хилват, ташландиқ ва назоратсиз жойларда юриши, жиноий субмаданият ҳукмрон муҳитда вақт ўтказиши уларни автоматик равишда талончилик ёки безорилик қурбонига айлантиради⁴⁶.

Виктимологиянинг энг мураккаб, зиддиятли ва илмий баҳсларга сабаб бўлувчи феноменларидан бири бу “*Виктим ва ҳуқуқбузарнинг кесишуви*” (*Victim-Offender Overlap*) ҳисобланади⁴⁷. Гиёҳванд моддага тобе бўлган шахс навбатдаги дозани сотиб олиш учун пул топиш мақсадида ўз-ўзидан ўғрилик, *фирибгарлик*, *талончилик* ёки *фоҳишалик* каби жиноятларга қўл уриб фаол ҳуқуқбузарга айланади. Ўз навбатида, унинг бундай ноқонуний фаолияти, қарор қабул қилиш қобилятининг бузилиши ва маргиналлашган ҳаёт тарзи уни бошқа жиноятчилар томонидан алданишига, шафқатсизларча калтакланишига (*масалан, “спортлар” томонидан жазоланишига*), пуллари ёки дозасининг тортиб олинishi ва зўравонликка учрашига олиб келади (*яъни, у ҳимоясиз виктимга айланади*). Илмий тадқиқотчилар Д.Т. Душабоев ва Ф.Т. Ғаниевларнинг хулосаларига кўра, шахсда виктимликни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш ва жабрланувчининг ҳаётига тажовузларнинг олдини олиш ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг энг муҳим

⁴² Viktimologiya: Darslik / Q.R. Abdurasulova, A.G.Zakirova, F.M.Muxitdinov, Sh.X.Aliyev, S.B.Xo‘jakulov, B.A.Umirzakov, G‘.S.Qarshiyev va boshq. Mas‘ul muharrir, yu.f.d., professor F.M.Muxitdinov. – T.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2021. – B. 152

⁴³ Турсунов А.С., Фазилов И.Ю., Хўжақулов С.Б. Сборник законов о профилактике правонарушений стран Содружества Независимых Государств. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2018. – 128 с

⁴⁴ Temirova M.M. Mustaqillik yillarida O‘zbekistonda ayollar jinoyatchiligining holati // Advances in Science and Education. – 2025. – Vol. 1, № 04. – B. 3.

⁴⁵ VIKTIM XULQ-ATVOR JINOYATCHILIKNING SABABI SIFATIDA Текст научной статьи по специальности “Гуманитарные науки – КиберЛенинка” // <https://cyberleninka.ru/article/n/viktim-xulq-atvor-jinoyatchilikning-sababi-sifatida>

⁴⁶ The relationship between lifestyle/routine activities and worry about personal victimisation across months, days and moments // <https://mau.diva-portal.org/smash/get/-diva2:1898099/FULLTEXT02.pdf>

⁴⁷ Victim-Offender Overlap: Examining the Relationship Between – ICJIA // <https://icjia.illinois.gov/researchhub/articles/the-victim-offender-overlap-examining-the-relation-ship-between-victimization-and-offending>

босқичидир⁴⁸.

Олим А.О. Жахонов эса оила-турмуш доирасидаги жиноятлардан жабрланишнинг асосий сабабларидан бири сифатида оила аъзоларидан бирининг психофаол моддаларга қарамлигини ва иқтисодий беқарорликни кўрсатади⁴⁹. Ш.Х. Алиев ўз ишларида виктимлик даражаси юқори бўлган қатламлар билан ишлаш механизмларини ёритган⁵⁰.

“Аптека наркоманияси”нинг энг хавфли виктимологик жиҳати шундаки, у ёшлар онгида “хавфсиз иллюзия”ни шакллантиради. Фармацевтика заводларида расмий ишлаб чиқарилган, чиройли ва стерил қадоқланган, одатда дорихоналарда сотиладиган препаратлар (*кучли таъсир қилувчи моддалар*) ўсмирлар томонидан кўчада сотиладиган номаълум наркотикларга қараганда анча зарарсиз ва гўёки қонунийдек қабул қилинади⁵¹.

Ушбу психологик барьернинг йўқлиги ёшларни хавф-хатарни англамасдан туриб тезроқ тобелик қурбонига айлантиради. Айнан мана шундай виктимологик заифликларни бартараф этиш мақсадида ЎРҚ-1151-сон Қонуни кучли таъсир қилувчи моддаларни ўзлаштириш ва уларнинг қонунга хилоф муомаласини кескин жиноий жазолар билан чегаралади⁵².

Кўйилган илмий муаммони реал далиллар билан асослаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Криминология тадқиқот институти томонидан тайёрланган “*Трансмиллий наркотаҳдидларга қарши халқаро ҳамкорлик*” доирасидаги ҳисоботлар ва журнал материаллари таҳлил қилинди⁵³. Эмпирик тадқиқотлар мамлакатдаги реал криминоген ва виктимологик манзарани, хусусан ёшлар ва вояга етмаганларнинг вазиятини аниқ рақамларда кўрсатиб берди.

Тадқиқот доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳридан жами 5 480 нафар вояга етмаганлар (*шундан 4 049 нафари мактаб ўқувчилари, 1 335 нафари коллеж ва лицей ўқувчилари*) ўртасида ўтказилган кенг қамровли миллий ижтимоий сўровномалар ёшларнинг виктимологик заифлигини келтириб чиқарувчи тизимли омилларни очиб берди.

Таҳлиллар шуни яққол кўрсатадики, оилавий депривация ва назоратнинг йўқлиги энг кучли детерминантдир.

⁴⁸ Dushaboyev D.T., G'aniyev F.T. Shaxsda viktimlikni keltirib chiqaruvchi omillarning kriminologik tavsifi // Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Vol. 2, Issue 1. – URL: www.in-academy.uz. DOI: 10.5281/zenodo.14605419.

⁴⁹ MUSTAQILLIK YILLARIDA O'ZBEKISTONDA AYOLLAR JINOYATCHILIGINING HOLATI // https://www.researchgate.net/publication/392962321_-MUSTAQILLIK_YILLARIDA_O'ZBEKISTONDA_AYOLLAR_JINOYATCHILIGINING_HOLATI

⁵⁰ Ўша манбаа: https://www.researchgate.net/publication/392962321_-MUSTAQILLIK_YILLARIDA_O'ZBEKISTONDA_AYOLLAR_JINOYATCHILIGINING_HOLATI

⁵¹ Quantitative Survey on Prevalence of Prescription Pain Medications and Stimulants Use in Young Adults – PMC // <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC10123905/>

⁵² O'zbekiston Respublikasining 2026-yil 11-iyundagi “O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar yoki ularning analoglarining va kuchli ta'sir qiluvchi moddalarning qonunga xilof muomalasi uchun javobgarlikni takomillashtirishga qaratilgan qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish to'g'risida”gi O'RQ-1151-sonli Qonuni // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi. URL: <https://lex.uz/doc-passport/-8263876>

⁵³ Трансмиллий наркотаҳдидларга қарши халқаро ҳамкорлик (Ўзбекистон ва Венгриянинг қўшма илмий-амалий лойиҳаси). – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, 2026 й. 148 бет.

Сўровномада қатнашган 2 007 нафар вояга етмаганлар (*қарийб 36 фоиз*) ота-оналари улар билан гиёҳвандлик ёки салбий одатлар ҳақида «ҳеч қачон» суҳбатлашмаслигини таъкидлаган⁵⁴. Бу R. Agnewнинг GST назариясини тўлиқ тасдиқлайди: оилавий меҳр ва эътибор етишмаган ўсмир руҳий бўшлиқни кўча муҳитидан ва “сохта эйфория”дан қидириб, девиант мослашув йўлини танлайди. “*Гиёҳванд моддалар ҳақида илк бор қаердан эшитгансиз?*” деган саволга 1 649 нафар ўсмир интернет орқали эшитганини айтганлиги эса ахборот маконининг кучли кибер-виктимизация марказига айланганини билдиради⁵⁵.

Криминология тадқиқот институти томонидан эълон қилинган илмий журнал ва монографияларда (*“Жамоат хавфсизлигини таъминлашда гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ жиноятлар профилактикасининг миллий модели”*) “*рақамли жиноятчи*” тушунчаси илмий муомалага киритилган. Статистикага кўра, 2025 йилда республика бўйича содир этилган 15 412 та наркожиноятнинг қарийб учдан бир қисми (*5 027 таси*) бевосита интернет технологиялари (*мессенжерлар ва Даркнет*) орқали амалга оширилган. Биргина Telegram тармоғида фаолият юритган 12 037 та яширин “бот” ва “канал”лар аниқланган.

Ушбу тармоқларнинг координаторлари ва маъмурлари юқори технологик саводхонликка эга бўлган, психологик жиҳатдан жабрланувчининг ўлими ёки деградациясидан масофаланган (*эмпатияси йўқ*) ва “*жазосизлик иллюзияси*” таъсиридаги шахслардир⁵⁶. Бу тоифа жиноятчилар кўпинча хорижда туриб фаолият юритади ва ўзлари ишлаётган тизимнинг юқори бўғинларини танимайди. Натижада, маҳаллий ёшлар арзон курьер (*“закладчик”*) сифатида ёлланиб, энг оғир жазоларга тортилмоқдалар, асл жиноятчилар эса яшириниб қолмоқда. ЎРҚ-1151-сон Қонуни ушбу масофавий уюшган гуруҳлар фаолиятига ҳомийлик қилганлик ёки уларни ташкил қилганлик учун ўта оғир жазоларни жорий этиш орқали айнан мана шу тизимли муаммонинг ҳуқуқий ечимини берди⁵⁷.

Юқорида илгари сурилган илмий таҳлиллардан келиб чиқиб, гиёҳвандлик моддалари ва кучли таъсир қилувчи препаратлар билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш жиноят ва маъмурий қонунчиликни замонавий рақамли ва кимёвий таҳдидларга тезкор мослаштиришни талаб этади. Шу ўринда, Президент Ш.Мирзиёевнинг 2026 йил июнь ойидаги ЎРҚ-1151-сон Қонуни⁵⁸ ушбу йўналишда фундаментал ва инқилобий қадам бўлди. Мазкур қонун ҳужжати руҳига таянган ҳолда, миллий ва хорижий олимларнинг криминологик хулосаларидан келиб чиқиб, диссертация тадқиқотининг амалий якуни сифатида миллий қонунчиликка қуйидаги илмий асослантилган қонун лойиҳалари (*ўзгартириш ва қўшимчалар*) таклиф этилади:

Биринчидан, кучли таъсир қилувчи моддаларга вояга етмаганларни жалб қилиш учун жавобгарликни қатъийлаштириш ва дифференциация қилиш.

⁵⁴ Ўша манбаа: 32-бет

⁵⁵ Ўша манбаа: 61-бет

⁵⁶ Ўша манбаа: 97-бет

⁵⁷ O‘zbekiston Respublikasining 2026-yil 11-iyundagi “O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar yoki ularning analoglarining va kuchli ta’sir qiluvchi moddalarning qonunga xilof muomalasi uchun javobgarlikni takomillashtirishga qaratilgan qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-1151-sonli Qonuni // Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi. URL: <https://lex.uz/doc-passport/-8263876>

⁵⁸ Ўша манбаа: Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi. URL: <https://lex.uz/doc-passport/-8263876>

Амалдаги Жиноят кодексининг 127-моддасида (*Вояга етмаган шахсни жиноят содир этишига жалб қилиш*) вояга етмаганларни гиёҳвандлик воситалари ёки спиртли ичимликлар истеъмол қилишга жалб этганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлса-да, “*кучли таъсир қилувчи моддалар*” (“*аптека наркоманияси*”) аниқ ажратиб кўрсатилмаган. ЎРҚ-1151-сон Қонуни кучли таъсир қилувчи моддаларни ўғирлаганлик учун 5 йилгача жазо (*ЖК 251¹-моддаси*) киритганини инобатга олиб, ЖК 127-моддасини ҳам ёшлар виктимологиясидан келиб чиқиб кенгайтириш зарур⁵⁹. Вояга етмаган шахсга фармацевтик наркотикларни берган сотувчи қаттиқ жазоланиши шарт. *Қонун лойиҳаси: Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддаси 2-қисми “а” банди қуйидаги янги таҳрирда баён этилсин:*

“а) гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп ёки кучли таъсир қилувчи моддаларни истеъмол қилишга жалб этган ҳолда содир этилса — беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

Иккинчидан, **рақамли макондаги кибержиноятчилик инфратузилмасини тезкор блоклаш механизмини жорий этиш.** Дарҳақиқат, Жиноят кодексининг 273-моддасига Интернет тармоғидан фойдаланганлик учун жавобгарлик киритилган ва ЎРҚ-1151-сон Қонуни билан ушбу қилмиш учун жазо янада оғирлаштирилди. Бироқ жиноятчиларни жазолаш билан бирга, улар фойдаланаётган виртуал инфратузилмани тезкорлик билан фалаж қилиш зарур. Бугунги кунда Телеграм мессенжерлари ва Даркнет орқали наркосавдони амалга оширувчи “*рақамли жиноятчилар*”нинг сайт ва ботларини суд қарорисиз, зудлик билан блоклаш механизми қонунчиликда тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Қонун лойиҳаси: “*Ахборотлаштириш тўғрисида*”ги Қонуннинг 12¹-моддасига қўшимча киритиш орқали ваколатли органларга (*хусусан, Наркотикларни назорат қилиш агентлигига*) “*Гиёҳвандлик воситаларини тарқатувчи интернет-ресурслар ва мессенжер-ботларни экстремал вазиятларда тезкор блоклаш*” ҳуқуқи берилиши лозим. Бу жараён идоралараро узоқ бюрократик ёзишмаларни кутмасдан, сунъий интеллект (AI) алгоритмлари ёрдамида нарко-контентни автоматик аниқловчи ва блоклаш сўровини генерация қилувчи тизим орқали амалга оширилиши зарур.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг “*Ахборотлаштириш тўғрисида*”ги Қонуни 12¹-моддасига қуйидаги мазмундаги қўшимчаларни киритишни таклиф этамиз:

“12-1-модда. Оммавий ахборотни тарқатувчининг мажбуриятлари
(*Қуйидаги мазмундаги қисмлар билан тўлдирилсин*):

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда тарғиб қилувчи, тарқатувчи ва сотишга хизмат қилувчи интернет-ресурслар, ижтимоий тармоқ саҳифалари ҳамда мессенжер-ботлар аниқланган тақдирда, ваколатли давлат органи (Ўзбекистон Республикаси Наркотикларни назорат қилиш агентлиги) томонидан суд қарорини кутмасдан, ушбу ахборот ресурсларига киришни экстремал (зудлик билан) блоклаш чоралари кўрилади.

⁵⁹ Ўша манбаа: Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi. URL: <https://lex.uz/doc-passport/-8263876>

Экстремал блоклаш жараёни контентни сунъий интеллект (AI) алгоритмлари ёрдамида автоматик аниқлаш ва тезкор блоклаш сўровини электрон генерация қилиш тизими орқали амалга оширилади. Ушбу механизмни қўллаш ва идоралараро ҳамкорлик тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади”.

Мазкур норманинг қонунчиликка имплементация қилиниши наркотикиноятчиликнинг виртуал бозорини тезкорлик билан йўқ қилишга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг технологик имкониятларини кенгайтиришга ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашда маълумотларга асосланган (*data-driven*) рақамли профилактиканинг янги босқичини бошлашга хизмат қилади.

Учинчидан, “Ижтимоий реабилитация шартномаси” (Diversiоn) институтини жорий этиш. Ривожланган давлатлар (Португалия, Исландия) тажрибаси, шунингдек, D.A. Andrewsнинг RNR модели шуни кўрсатадики, истеъмолчи-жабрланувчиларни соф қамаш рецидивни камайтирмайди, аксинча уларни жиноий субмаданиятга яқинлаштиради⁶⁰.

Қонун лойиҳаси: Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига янги 56⁵-модда (“Ижтимоий реабилитация шартномаси”) киритилсин.

“56⁵-модда. Ижтимоий реабилитация шартномаси

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадисиз оз миқдорда гайриқонуний тайёрлаган, олган, сақлаган ёки истеъмол қилган, биринчи марта маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ихтиёри билан давлат томонидан белгиланган тиббий-ижтимоий реабилитация ва психологик дастуридан ўтишга ёзма розилик билдирса ва шартнома шартларини тўлиқ муваффақиятли бажарса, у маъмурий жазо чораларидан озод қилинади. Дастурни бузган тақдирда, унга нисбатан умумий асосларда жазо тайинланади”.

Тўртинчидан, янги психофаол моддаларга (NPS) вақтинчалик тақиқ (мораторий) институтини жорий этиш.

Кимёвий тузилиши мунтазам ўзгариб турадиган моддаларга (дизайнерлик наркотикларига) қарши тезкор чора кўриш учун 1999 йилдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонунга қўшимча киритиш зарур.

Қонун лойиҳаси: “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддаси қуйидаги мазмундаги янги қисм билан тўлдирилсин:

“Инсон саломатлиги ва жамоат хавфсизлигига реал хавф тугдирадиган, бироқ расмий тақиқланган моддалар рўйхатларига киритилмаган янги психофаол моддалар аниқланганда, ваколатли давлат органи эксперт хулосаси асосида ушбу моддаларнинг муомаласига 12 ойгача бўлган муддатга вақтинчалик тақиқ (мораторий) жорий этишга ҳақли. Мораторий амал қилиш даврида ушбу моддаларнинг ноқонуний муомаласи учун жавобгарлик назорат остидаги моддалар учун белгиланган тартибда амалга оширилади”.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, янги Ўзбекистон шароитида гиёҳвандлик ва психотроп моддалари билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш фақат репрессив чоралар билан эмас, балки жиноятчи ва жабрланувчининг виктимологик-криминологик тавсифини

⁶⁰ The Andrews' Principles of Risk, Need, and Responsivity as Applied in Drug Abuse Treatment Programs: Meta-Analysis of Crime and Drug Use Outcomes – PMC // <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC3775377/>

чуқур ўрганган ҳолда, илмий диагноз ва интеллектуал-превентив механизмлар орқали амалга оширилиши стратегик мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ЎРҚ-1151-сон Қонуни ушбу йўналишдаги давлат сиёсатининг мустаҳкам ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади. Мазкур параграфда таҳлил қилинган 30 дан ортиқ маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий концепциялари наркожиноятчилик генезиси мураккаб био-психо-ижтимоий ва технологик детерминантларнинг синтези эканлигини тасдиқлайди ҳамда миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш учун мустаҳкам илмий пойдевор яратади.